

JINA SUV TA'MINOTI"
JULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
BESHARIQ TUMAN
BO'LIMITI
№ 32
20.11.2022
180300, Sirdaryo ko'chasi 9-uy

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят худудий бошқармаси бошлиги Р.Холикназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бешариқ тумани Бешсари МФЙ Кўргонча 1 ва Кўргонча 2 кўчалари худудида яшовчи 820 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

И ч им ли к сув бўй и ча

Бешариқ тумани Бешсари МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 82 m^3 хисобланиб, **уланиш нуқтаси.1** Бешсари МФЙ Кўргонча 1 ва Кўргонча 2 кўчалари худудига 3.0 км. Д-76 мм.ли полиэтилен кувурда ичимлик суви тармоғи тортиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, автоматик ўчириб ёкиш ускунаси (повлавок) ўрнатиш лойиха қувватидан келиб чиқиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуқтаси.2 Бешсари МФЙ Кўргонча 1 ва Кўргонча 2 кўчалари худудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали-поэлетилен, чугун, темир, азбец) бўлган диаметри $\varnothing(76-300)$ атмосфера босими 0.4 ATM кувурдан лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунлиги 3.5 км бўлган ичимлик сув кувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж килиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошка мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиша тажрибали лойиха институтларини жалб килган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул килинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бешарик
Туман бўлими раҳбари:



У.Тошқўзиев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Бешарик
Туман бўлими бош мухандиси в.в.б:

А.Жалилов